

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУХИТНИ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ҚҮМИТАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ
ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ РАИСИ



И. БОҚИЖОНОВ

«10 май 2021й.

ДАСТЛАБКИ МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТҮПЛАМИНИ БЕРИШ УЧУН СҮРОВ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАИШИЙ
ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИХАСИ

Лойиха (тендер) номи:

«Сирдарё вилояти Сардоба ва Оқолтин туманларида қаттқ маиший чиқиндиларни түпланы, олиб чикиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик (ДХШ) шартлари асосида бошқариш»

ДХШ обьектининг жойлашуви:

Сирдарё вилояти Сардоба ва Оқолтин туманлари
Давлат шериги:

Сирдарё вилояти ҳокимлиги

Давлат шериги:

Сирдарё вилояти экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер ташкилотчиси:

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 15-уй, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#)

Toшкент ш. - 2021 йил апрель

1. Асосий тушунчалар

1. Майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойихаси учун мазкур тендер хужжатларида қўйидаги тушунчалар қўлланилади:
- 1) **Давлат-хуссий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойихасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
 - 2) **ДХШ лойихаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойихаси;
 - 3) **ДХШ лойихасининг концепцияси** – давлат ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойихасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг кайтарилишини тъминлаш механизmlарини ўз ичига олган концептуал ҳужжат;
 - 4) **ДХШ обьекти** – қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
 - 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
 - 6) **хусусий шерик** – якка тартибдаги тадбиркор, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик фаолияти субъекти (юридик шахс) ва шундай субъектларнинг бирлашмаси (консорциум);
 - 7) **тендер** - ДХШ лойихаси доирасида соддалаштирилган рақобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очик тендер;
 - 8) **дастлабки малакани аниқлаш хужжатлари** – дастлабки малакани аниқлаш шартлари ва тартибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган ва тендер ташкилотчиси томонидан малака хужжатларини тайёрлаш ва ДХШ тендернинг биринчи босқичда қатнашиш учун потенциал хусусий шерикларга тақдим этилган хужжатлар;
 - 9) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
 - 10) **тендер комиссия** - қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш хуқуки бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
 - 11) **мезонлар** – давлат-хуссий шериклик асосида майший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойихасининг тендер хужжатларида белгиланган танлаш мезонлари;
 - 12) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссия қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида майший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
 - 13) **лоийхани баҳолаш хужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиханинг қиймагини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технologик ва лойихани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиха хужжати;
 - 14) **талабгор** – ДХШ лойихасини амалга ошириш бўйича қизиқиши билдирган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака хужжатларни ва тендер

- таклифларни тақдим этган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир неча тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шерикчилик);
- 15) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);
- 16) **захирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).

2. Тендер хужжатларида қуйидаги қисқартмалар қўлланилади:

- 1) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
- 2) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
- 3) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофик тасдикланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

2. Умумий коидалар

3. Мазкур дастлабки малака хужжатларини түпламини бериш учун сўров Қонун ва Низомга мувофик ишлаб чиқилган .

4. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш хуқукига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур сўров хужжати потенциал хусусий шерикларга дастлабки малака босқичида иштирок этиш шартлари ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган.

5. Талаборлар ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- хуқук лаёқатига эга бўлиши;
- ДХШ тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ва (ёки) моддий, техник ресурсларга ва (ёки) малакали меҳнат ресурсларига эга бўлиши;
- манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ва (ёки) банкротлик босқичида бўлган талаборларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

6. Дастлабки малакани баҳолаш бўйича ташкилий маълумотлар 1-иловада келтирилган ҳамда ДХШ лойиҳасини қисқача тавсифи 2-иловада келтирилган.

3. Хусусий шерикнинг хуқуклари ва мажбуриятлари

7. Хусусий шерик ўз маблағлари ва қарз маблағлари билан ДХШ лойиҳасини молиялантириш ва амалга ошириш хуқукига эга.

8. Тендер ташкилотчиси хусусий шерикка Қонунда назарда тутилмаган малака талабларини қўйишга ҳақли эмас. Хусусий шерик малака талаблари билан боғлик бўлмаган маълумотларини тақдим этмаслик хуқукига эга.

9. Хусусий шериклар талаб қилинадиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатларни очилиш учун белгилаган сана ва вақтга қадар тақдим этишлари шарт.

10. Хусусий шерик ўзининг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича тендер ташкилотчиси томонидан белгиланган шакллар бўйича хужжатларни ва барча маълумотларни тендер ташкилотчисига тақдим этади.

11. Хусусий шерик малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида сохта ва ёлғон маълумотлар тақдим этган тақдирда, суд томонидан адолатсиз хусусий шерик деб тан олинган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида ДХШ лойихалар бўйича давлат шерикларнинг тендерларида иштирок этиш такикланади.

12. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малака тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлиги тендернинг исталган босқичида тендер комиссия, тендер ташкилотчиси ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланиши мумкин.

13. Хусусий шерик томонидан тақдим этиладиган малакага оид сохта ва ёлғон маълумотларни тақдим этилганлиги аниқлаганда тендер комиссияси талабгорни тендердан четлаштиради.

14. Талабгорлар консорциум шаклида тендерда иштирок этган тақдирда:

- етакчи компания ушбу тендер хужжатда кўрсатилган дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун қуйидаги талабларга тўлиқ риоя қилиши шарт: а) санитар тозалаш соҳага (яъни майший чиқиндиларни тўплаш, саралаш, олиб чиқиш ва қайта ишлаш, санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш) оид маҳсус тажриба; б) малакага эга бўлган ва санитар тозалаш соҳада ишлаб келган асосий мутахассисларни мавжудлиги;
- консорциумни етакчи ва қолган аъзоларининг 5-иловада кўрсатилган бошқа мезон ва талабларга нисбатан умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинади.

4. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

15. Талабгорлар қуйидаги ҳолларда тендерда қатнашиш ҳукуқига эга эмас, агар:

- хусусий шерикнинг раҳбарларини ёки таъсисчиларини яқин қариндошлари, турмуш ўргоги ёки қариндошлари ва (ёки) хусусий шерикнинг ишончли вакиллари тендер бўйича баҳолаш ёки қарор қабул қилиш ҳукуқига эга ёки тендер комиссияси ва (ёки) ишчи гурух аъзоси бўлса;
- асосий воситалар баланс кийматидан 10 (үн) фоизидан ортиқ бўлган хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган бўлса;
- талабгорлар ижро хужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва ижро хужжатларини ижро этиш учун ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;
- талабгорларни картотека №2 ва банк ссудалари бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса;
- талабгорларнинг молиявий-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тұхтатилган бўлса.

6. Талабгорлардан ҳеч бири битта ДХШ лойихаси бўйича биттадан ортиқ тендер тақлифини тақдим этишга ҳақли эмас.

5. Дастлабки малакани баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

17. ДХШ лойихаси бўйича хусусий шерикни дастлабки малакасини баҳолаш учун талабгорлар З ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

18. Талабгорлар консорциум шаклида иштирок этаётган бўлса, консорциумнинг барча аъзолари ўз малакасини намойиш қилиш учун 3 ва 4-иловаларда талаб қилинган маълумотлар ва тасдиқловчи хужжатларни тақдим этадилар.

19. Бундан ташкири консорциумнинг барча аъзолари номидан тегишли ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини тендерда ҳимоя қилиш ваколати етакчи компанияга юклаганигини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси тақдим этилиш керак. Консорциумни ташкил этиш ва хусусий шерикларнинг қўшма фаолияти тўғрисидаги шартноманинг асл нусхаси ва шу жумладан, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикларнинг биргаликдаги ва алоҳида жавобгарлик шартлари кўрсатилган ҳолда.

6. Дастлабки малака хужжатларни тақдим этиш тартиби

20. Талабгорларнинг дастлабки малака буюртмалари ушбу хужжатда кўрсатилган тақдим этиши охирги муддатига қадар боғланган ҳолда, ҳар бир варафи рақамланган ва кўл кўйилган ҳолда. Охирги варақ эса хусусий шерикнинг раҳбари ёки консорциумнинг ишончли шахс имзоси ва корхонани (ёки етакчи корхонани) муҳри билан тасдиқланган ҳолда, муҳрланган ташки конвертда тақдим қилинади.

21. Ташки конвертда қуидаги муҳим маълумотлар бўлиши лозим:

- Хусусий шерикнинг (ёки консорциумнинг) тўлиқ номи ва почта манзили (агар консорциум бўлса фақат етакчи компаниянинг почта манзили);
- Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили: Узбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 15-үй, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 4 қават;
- Тендер номи: «Сирдарё вилояти Сардоба ва Оқолтин туманларида қаттиқ машни чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиши, саралаш ва қайта ишлаш кластер мизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқарни».

22. Ташки конвертларга солинган дастлабки малакага оид хужжатлар талабгорларнинг раҳбари ёки ишончли вакиллари томонидан тендер ташкилотчисинг манзили буйича ёки рўйхатга олинган почта орқали тақдим этилади.

23. Тендер ташкилотчиси белгиланган муддатгача тақдим этилган дастлабки малака хужжатларни:

- ўрнатилган гартибда қабул қиласи ва реестрга киритади;
- аввал қабул қилинган дастлабки малака хужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўрнатилган гартибда қабул қиласи ва реестрга киритади.

24. Талабгорларнинг дастлабки малака хужжатлари рад этилган ҳоллар, қачонки:

- хусусий шерик ушбу ДХШ тендерида қатнашиш учун аризани бошқа талабгор таркибида ҳам тақдим этган бўлса;
- дастлабки малака хужжатларни қабул қилиш охирги муддатидан сўнг тақдим қилинган бўлса.

7. Дастлабки малака хужжатларни баҳолаш тартиби

25. Тендер ташкилотчиси дастлабки малака хужжатларни қабул қилингандан сўнг тендер комиссиясининг қарорига биноан белгиланган муддат давомида талабгорларнинг дастлабки малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш ишларни ташкиллашибади.

26. Талабгорлар дастлабки малака талабларига мувофиқлиги учун маълумотларни ва тасдиқловчи хужжатларни ушбу сўровда берилган шартларига риоя этмаган ҳолда

тақдим этган бўлса, тендер ташкилотчиси мазкур талабгорларни малакасини тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар асосида баҳолайди.

27. Дастлабки малака талабларига мувофикалигини баҳолаш мезонлар 5-иловада келтирилган ва тендер ташкилотчиси факат ушбу мезонлар буйича талабгорларни баҳолайди.

28. Бир босқичли¹ тендерда талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

29. Икки босқичли² тендерда дастлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтган талабгорлар, яъни камида 60 (олтмиш) балл тўплаган талабгорлар, тендер иштирокчиси сифатида эътироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойихаси юборилади. Икки босқичли тендерда дастлабки малакалашни ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофик бўлиши керак.

30. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни копланмайди, бир ёки икки босқичли тендер бўлишдан қаттий назар.

¹ Умумий киймати бир миллион АҚШ долларига кадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

² Умумий киймати бир миллион АҚШ долларидан ортик бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

1-ИЛОВА

Дастлабки малакани аниқлаш бўйича ташкилий маълумотлар

*(Ушибу 1-иловани дастлабки малака ҳужжатларини түплами таркибида
тотишнин талаб этилмайди!)*

№	Курсаткич номи	Маълумотлар
1	Тендер ташкилотчиси	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават;
2	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламини қабул қилиш жойи ва охирги муддати	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават; Сана: 2021 йил «_____» Вакт: 00:00 (Мазкур муддат тендер ўтказиш хақидаги эълонда ёки Дастлабки малака ҳужжатларини юбориш хатида курсатилади)
3	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламини ташки конвертларни очиш жойи, санаси ва вакти	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават; Сана: 2021 йил «_____» Вакт: 00:00 (тендер комиссияси билан келишув асосида)
4	Аризани тақдим киладиган тили	Ўзбек тили
5	Алоқа, савол ва мурожаат учун маълумотлар	Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уй, тел.: (99871) 207-07-70 (1072#) 4-қават; Масъул ходим: Н. Адхамжонов Тел: (99) 409-70-02
6	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламини бериси сўрови бўйича саволлар билан мурожаат қилиш охирги муддати	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламини қабул қилиш охирги муддатидан етти (7) кун.
7	Дастлабки малака ҳужжатларини түпламини тақдим этиш шакли ва нусхалар сони	Ёпилган ва муҳрланган ташки конвертда, қоғоз шаклида, битта (1) асл нусха ва битта (1) нусха.

2-ИЛОВА

ДХШ лойихасининг кисқача тавсифи
(Уибу 2-иловани дастлабки малака ҳужжатларини түглами маркибида топшириши талаб этилмайди!)

№	Кўрсаткич номи	Маълумотлар
1	ДХШ лойихасининг номи	Сирдарё вилояти Сардоба ва Оқолтин туманларида қаттиқ майший чиқиндишларни түплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш
2	ДХШ обьекти	Курилиши ва эксплуатацияси ДХШ лойихаси доирасида амалга ошириладиган Сирдарё вилояти Сардоба ва Оқолтин туманларида майший чиқиндишларни йиғиш, олиб ташлаш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма
3	ДХШ обьектининг жойлашуви	Сирдарё вилояти Сардоба ва Оқолтин туманлари
4	ДХШ лойихасини амалга ошириш шартлари ва боскичлари	Инвестиция киритиш муддати: 2021 - 2024 йил (3 йил) Битим муддати: 2021 - 2031 йил (10 йил)
5	ДХШ лойихаси киймати	ДХШ лойихасини амалга ошириш учун дастлабки хисоб-китоблар бўйича талаб этиладиган инвестиция миқдори <u>8898,1 млн. сўм</u>
6	Харажатларни тиклаш ва даромад олиш манбалари	Қаттиқ майший чиқиндишларни түплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун мижёзлар томонидан амалга оширилган тўловлар, ҳамда чиқиндишларни қайта ишлашдан топилган кушимча ва бошқа даромадлар
7	Давлат таъминоти турлари ва ҳажмлари	ДХШ битимига мувофик

З-ИЛОВА

**Тендер иштирокчиси түғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

ЗА: Умумий маълумотлар

Тендер иштирокчисининг тўлиқ юридик номи: _____

Тендер иштирокчиси раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Манзил ва телефон/факс раками: _____

Электрон почтаси: _____

Юридик макоми: _____

Рўйхатдан утган санаси ва раками: _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди буйича): _____

Тендер иштирокчи санитар тозалаш соҳага оид бўлган маҳсус тажрибасини қуидаги жадвалларда маълум қилиши ва тегишли тасдиқловчи хужжатларни илова қилиш керак:

1-Жадвал:

Иштирокчининг мааний чиқиндишларни тўплаш ва олиб чиқиш тажрибаси хақида маълумотлар

№	Биринчирилган худуд (шахар ёки туман)	Биринчириш учун асос бўлган хужжат*		Биринчирилган сана	
		хозирда амалда бўлган хужжат*	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат*	хозирда амалда бўлган хужжат бўйича	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат бўйича
1					
2					

Изоҳлар:

* - Тегишили худудни биринчириши түғрисида ваколатли давлат органнинг қарори ёки Е-ижро аукцион голиби билан тузилган битим нусхалари корхона мухри билан тасдиқланган (аслига тўғри белгиси билан) ҳолда илова этилиши шарт.

2-Жадвал:

**Иштирокчининг мааний чиқиндишларни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш тажрибаси
хақида маълумотлар**

№	Чиқиндишларни қабул қилиш, саралаш ва (ёки) қайта ишлаш ускуналари жойлашган жони	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган хужжат*		Экологик экспертиза хulosаси	
		хозирда амалда бўлган хужжат (берилган вақти ва раками)	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат (берилган вақти ва раками)	хозирда амалда бўлган хужжат бўйича (берилган вақти ва раками)	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат бўйича (берилган вақти ва раками)
1					
2					

Изоҳлар:

* - Мажаллий давлат ҳокимияти ва бошика ваколатли органларнинг гувохнома ва (ёки) руҳсатномаси тақдим этилади.

ДАСТЛАБКИ МАЛАКА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТҮПЛАМИНИ БЕРИШ ҮЧУН СҮРОВ
ЛХШ асосида машиий чиқиндиларни бошқарши лойихаси

З-Жадвал:

**Иштирокчининг санитар полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилиш тажрибаси
хақида маълумотлар**

№	Фаолият амалга ошириладиган чиқинди полигонининг жойлашган жойи*	Фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлган хужжат**		Экологик экспертиза хуносаси	
		хозирда амалда бўлган хужжат (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат (берилган вақти ва рақами)	хозирда амалда бўлган хужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)	илгари амалда бўлган (дастлабки) хужжат бўйича (берилган вақти ва рақами)
1					
2					

Изоҳлар:

* - Чиқинди полигонининг жойлашган жойини Google ҳаритаси тақдим этилади.

**- Қайси ваколатли давлат органиниң ёки бошқа тегисили ташкилотнинг қарори (ёки бошқа норматив ҳужжатлар ва шартнома) асосида чиқинди полигон биректирилган ёки қурилган бўлса, ушбу ҳужжатлар илова қилинади

Талабгор корхона рахбарининг (ёки ишончли вакилининг) имзоси:

Талабгор корхонанинг муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « ____ »

3Б: Тендер иштирокчисининг асосий мутахассислари хақида маълумотлар

№	Асосий мутахассис	Ф.И.Ш. ва туғилган санаи	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом раками ва берилган санаи)¹	Эгаллаган лавозими²	Тендер иштирокчиси да эгаллаган лавозимларда иш стажи³ (йиллар)	Санитар тозалаш билан бөглиқ бўлган иш тажрибаси⁴ (йиллар)
1	Корхона раҳбари					
2	Транспорт соҳасидаги мукандис					
3	Транспорт соҳасидаги иктисодчи					

Изоҳлар:

1-диплом, шактимонма ва ё.к. нусхаси;

2-лавозимга ташинлаш ва (ёки) вазифани юқлаш ҳақидағи буйрӯқ нусхаси;

3-мехнат дафтарчаси нусхаси (ши стажи www.my.tehnat.uz "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган маълумотлар орқали аниқланади);

4-бошқа ташкилотларда шилаган даври охинча тажрибаси ҳам инобатга олинини сабабли, меҳнат дафтарчасининг тегишили бетларидан нусла тендер иштирокчисининг мухри билан тасдиқланган ҳолда (аслига тўғри белгиси билан) илова қилиниши шарт.

Талабгор корхона раҳбарининг (ёки ишончли вакилининг) имзоси:

Талабгор корхонанинг мухри:

Тузилган сана: 2021 йил « ____ »

3B: Тендер иштироқчисини молиявий ахволи түрлесидә асосий күрсаткичлар

1) Қоғлапи коэффициенти (түловга қодирлик коэффициенти) - ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг түлов имкониятларини күрсатади, у факат дебиторлар билан ўз вақтида хисоб-китоб килиш ва тайёр маҳсулотни қулагай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайланглигидан далолат беради.

Коэффициент куйидаги формула бўйича хисоблаб чиқилади:

$$К_{пл} = \frac{(ТМЗ - НП) + ДЗ + DC}{TO}$$

Бунда:

ТМЗ – товар моддий заҳиралар (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 140-сатр;
НП – тугаллаимаган ишлаб чиқариш (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 160-сатр;
ДЗ – дебиторлар (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 210-сатр;
DC – пул маблағлари жами (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 320-сатр;
TO – жорий мажбуриятлар жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг II бўлим 600-сатр.

Агар түловга қодирлик коэффициенти хисобот даври охирида 1,25 дан кам кийматга эга бўлса, корхона ушбу күрсаткич бўйича түловга қодир эмас деб хисобланади.

2) Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти - ташкилотнинг молиявий баркарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, корхона мулкотлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент куйидаги формула бўйича аникланади:

$$HCOC = ИСС - ЗУ + ДО - ДА$$

Бунда:

ИСС – ўз маблағлари манбалари жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг I бўлим 480-сатр;
ЗУ – таъсичишарнинг устав капиталига улушлари бўйича карзи (хисобот даври охири), баланс активининг II бўлим 290-сатр;
ДО – узок муддатли мажбуриятлар жами (хисобот даври охири), баланс пассивининг II бўлим 490-сатр;
ДА – узок муддатли активлар жами (хисобот даври охири), баланс активининг I бўлим 130-сатр;

Агар хисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ижобий ($HCOC > 0$) күрсаткични хосил қиласа, у ҳолда корхона ушбу күрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланган деб хисобланади.

Талабгор корхона раҳбарининг (ёки ишончли вакилининг) имзоси:

Талабгор корхонининг муҳри:

Тузилган сана: 2021 йил « »

4-ИЛОВА

Дастлабки малакани аниклаш босқичида талабгорларнинг малакасини баҳолаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар РҮЙХАТИ

4A. Юридик ҳужжатлар:

- 1) Юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- 2) Юридик шахс низомининг нусхасини. Талабгор консорциум шаклида иштирок этган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 53-боби бўйича юридик шахс бўлмаган оддий шериклик) низомнинг нусхалари консорциумнинг барча аъзолар томонидан тақдим этилади;
- 3) Талабгорнинг мол-мулки хатланмаганлиги, банк ҳисоб рақамларга тақик қўйилмаганлиги, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги Мажбурий ижро бюро органлари (ёки бошка ваколатли органлари) томонидан тасдиқланган маълумотнома (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 4) Талабгорнинг тузилиган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида талабгорнинг кафолат хати (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал ҳолатига*);
- 5) Талабгорни таъсисчиларнинг корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш нияти йўклигини тасдиқланган кафолат хати;
- 6) Консорциум (оддий шерикчилик) шаклидаги жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашмалари ташловида иштирок этган тақдирда, унинг иштирокчилари ўз малака талабларини тасдиқланган учун тендер ҳужжатларнинг 19-бандида белгиланган кўшимча ҳужжатларни тақдим этидилар.

Изо

Талаборлар ўз ҳуҷжатларига кўра малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этишлари мумкин.

4Б. Молиявий хужжатлар:

- 1) Узбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот түгрисидаги көнунчилигига ёки молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ тузилган, охирги (утган) уч түник молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар (Φ -1 ва Φ -2 шакллар ва бюджеттега түловлар ҳакида маълумот), мансабдор шахсларнинг мухри ва имзоси билан ҳамда Давлат солик инспекция электрон тизимига топширилганлиги туғрисида тасдикловчи хужжат билан;
- 2) Талабгорининг асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамларида пул мавжудлигини тасдикловчи хизмат күрсатувчи банк хати (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*);
- 3) Талабгорининг мулк ҳуқукини ҳамда кўчмас ва кўчар мулкнинг қийматини тасдикловчи хужжатлар («Мулкий рўйхатни») нусхарлари (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*);
- 4) Талабгорининг картотека №2, банк ссудалари бўйича қарздорлиги мавжудлиги/йўклиги, талаб қилиб олингунча миллий ва хорижий валютадаги асосий ва иккиламчи банк ҳисоб рақамлардаги маблағлар қолдиги, ҳамда улар бўйича сўнгги 2 йиллик айланмалар (оборот) ҳакида хизмат күрсатувчи банклардан Маълумотномалар (*ариза топшириши муддатидан бир ой аввал холатига*).

Изок

Тендер ташкилотчиси (ёки тендер комиссия ва уни баҳолаши учун жалб қилинган ваколатли шахслари) дастлабки малакалаш босқичида тақдим этилган талабгорларнинг маълумотларни ва ҳужжатларни ишончигини ва шуэри экантигини текшириши мақсадида, заруратга кўра қўшимча маълумотларни ва ҳужжатларни талаб этишига ҳақли ҳисобланади. Талабгорлар томонидан юридик ёки молиявий ҳужжатлардан бирин тақдим этилмаслиги ёки юқорида белгиланган талаблар асосида тақдим этилмаслиги тендер комиссияси томонидан талабгорни дастлабки малакалашдан ўтмаган деб топиш ёки дискалификация қилиши учун сабаб бўлиши мумкин.

Дастлабки малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш мезонлар

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вази ва максимал балл
A) Талаборнинг санитар тозалиш соҳага оид маҳсус тажрибаси (юқоридаги 3-илова «А-банди», 1, 2 ва 3-жадваллар): <ul style="list-style-type: none"> Санитар тозалаш соҳасидаги хизматлар тажрибаси, шу жумладан маний чиқиндилярни түплаш ва олиб чиқиш; майший чиқиндилярни саралаш ва қайта ишлаш; санитар полигонларда чиқиндилярни сақлаш ва утилизация килиш (3 йил ва ундан ортиқ тажрибага максимал 20 балл; 1 йилдан 3 йилгача 10 балл, 1 йилдан кам тажрибага 5 балл; умуман тажрибага эга бўлмаган корхонага 0 балл). 	20
B) Талаборнинг асосий мутахассислар малакаси (юқоридаги 3-илова «Б-банди»): <ul style="list-style-type: none"> Корхона раҳбари – 8 балл Транспорт соҳасидаги мухандис – 6 балл Транспорт соҳасидаги иктисадчи – 6 балл <p>Бунда айтсан шу корхонада фаолият юритаётган ҳодим стажига қараб баҳоланаади. Юқорида айтилган ҳар бир асосий мутахассис қўйидагича баҳоланаади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ✓ умумий малака (маълумоти): олий (40%), ўрта-маҳсус (20%) ва ўрта (10%); ✓ санитар тозалиш соҳага оид маҳсус тажриба: 3 йил ва ундан ортиқ (60%), 1 йилдан 3 йилгача (40%), 1 йилдан кам стаж (20%), соҳага оид иш стажини маъжусу бўлмаган ҳолларда 0 балл берилади 	20
B) Талаборнинг молиявий ахволи (юқоридаги 4-илова «Б-банди»): <ul style="list-style-type: none"> Охирги йиллик молиявий хисобот бўйича кўрилган соф фойда кўрсаткини (Ф-2 инкл.) <p>Бунда 10 баллни ташкил этилган таштироқчилари сонига бўлинади ва иштироқчиларни оладиган балларни узунни очикланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал баллни олади, колеан таштироқчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Бунда соф фойда молиявий хисоботда акс этмаган иштироқчиларни бағрилайди.</p> <p><i>Мисол: Иштироқчилар сони 5 та бўлганда ($10/5=2$). Юқори кўрсаткич 10 балл, иккинчи яхши кўрсаткич эгаси 8 балл, учинчи яхши кўрсаткич 6 балл, тўртинчи кўрсаткич 4 балл ва охирги ижобий кўрсаткич эгаси 2 баллга эга булади.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> Охирги йиллик молиявий хисоботи бўйича қоплаш коэффиценти (тўловга кодирилик) бўйича (энг юқори – 10 балл, меъёрдан баланд 5 балл, меъёрдан тоғт – 0 балл). (юқоридаги 3-илова «В-банди 1-қисми») <p>Бунда энг юқори кўрсаткич тендер иштироқчиси максимал баллга, қоплаш</p>	10

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вази ва максимал балл
коэффициенти (түлөсө қофициент) меъёрдан паст бўлган иштирокчилар максимал бағтиниг 50% миқдорига, коплаш коэффициенти меъёрдан паст бўлган кўрсаткич иштирокчиси 0 бағла эга бўлади.	
<ul style="list-style-type: none"> Ўз айтсанда мабланлари билан таъминланганлик кўрсаткичи бўйича (юқоридаги З-илова «В-банди 2-қисми») <p>Бунда 10 балл тендер иштирокчилари солига бўлинади ва иштирокчиларни оладиган бағлари узунни аниқланади, энг юқори кўрсаткич эгаси максимал бағти олади, көзга иштирокчилар кўрсаткичлари бўйича камайтирилган балл эгасига айланади. Ижобий кўрсаткичга эга бўлмаган иштирокчига балл берилмайди.</p>	10
<p>Г) Талабгорниң юридик ахволи (юқоридаги 4-илова «А-банди»):</p> <ul style="list-style-type: none"> Талабгорниң мол-мулки хатланмаганлиги, ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилмаганни, молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилмаганлиги ҳакида тегинли органлардан тасдиқловчи маълумотномалар тақдим этилганда тақдирда 10 балл, ушбу маълумотномаларнинг барчаси ёки биринчи мавжуд бўлмаган тақдирда ёки маълумотномаларда мол-мулки хатланган ва (ёки) ҳисоб рақамларга тақиқ қўйилган ва/ёки молиявий-хўжалик фаолияти тўхтатилганлиги кўрсатилганда балл берилмайди; Иншакаринин бинолари (автогараж), чиқинди ташиш техникаси, ускунтар, машиналар ва механизmlарнинг мавжудлиги ҳакида маълумотномалар (тасдиқловчи хўжатлар билан бирга) тақдим этилганда 10 балл, ушбу мол-мулқдан биронтаси, яъни автогараж ёки чиқинди ташиш техникаси ёки қолганлари мавжуд бўлмаган тақдирда 5 балл, ушбу маълумот тақдим этилмаганда ва (ёки) тақдим этилган маълумотни юқоридаги мол-мулк мавжуд эмаслиги кўрсатилганда 0 балл берилсин; Талабгорниң юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган санасидан бошлаб умумий молиявий-хўжалик фаолиятини (0 йилдан - 3 йилгача 50%, 3 йилдан - 5 йилгача 75%, 5 йилдан овери бўлганда 100%) 	10
ЖАМИ	100

Бир босқични тендерда³ талабгорниң дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифларини таҳсилади тўплаган балларига қўшилади.

Икки босқични тендерда⁴ дастлабки малака босқичидан муваффакиятли ўтиш учун талабгорлар камидаги 60 (олтинни) балл тўплаш лозим. Шундагина талабгорлар иккинчи босқич тендер иштирокчиси сифатида зўтироф этилади ва уларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўрови ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойихаси юборилади.

³ Умумий кийматни АҚНН долларига кадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси бўйича бир босқични тендер ўтказилади.

⁴ Умумий кийматни АҚНН долларидан ортик бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойихаси бўйича икки босқични тендер ўтказилади.